

ЛИНТЕР МАШИНАСИДА ЧИГИТЛАР ТАРКИБИДАГИ ИФЛОСЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАР ТАХЛИЛИ

Абдусаломов Мохирбек

магистрант

Мамадалиев Нодирбек Вали ўғли

таълим докторант

Азимов Самад

доцент

Республикамизда етиштирилаётган пахта хомашёсидан юқори сифатли тола ва линт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни чуқур қайта ишлаш асосида кенг ассортиментдаги юқори сифат ва паст таннархга эга бўлган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида [1], жумладан, Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича:

“Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварига кўпайтириш ҳамда саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш” вазифалари белгилаб берилди. Республикамизда пахтани дастлабки ишлаш технологияси, хусусан, линтерлаш жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда момиқ таркибидаги ифлосликларни максимал тозалаш ва корхонада момиқ ишлаб чиқаришда сифатни сақлаш технологиясининг фундаментал-назарий, амалий ва методологик асосларини яратиш бўйича Левкович Б.Л, И.Б.Меркин, Н.Д.Соловьёв, И.И.Хохлов, Хермац Д.Е, Б.Л.Бегельни, В.Н.Герасимчук, С.П.Иванов, С.П.Качаловский, С.П.Пўлатов, Н.К.Рахимов, Р.В.Корабельников, Е.Ф.Будин, Э.Т.Максудов, Х.Т.Ахмедходжаев, С.А.Азимов, Р.Сулаймонов, А.Обидов ва бошқалар изланишлар олиб борганлар. Пахта тозалаш корхонасидаги жинлаш жараёнидан сўнг пахта чигитлари турли ифлосликлардан тозалаш, линтерлаш каби жараёнларга юборилади. Экиш учун мўлжалланган уруғлик чигитлар эса, саралаш жараёнига юборилади. Пахта таркибидаги бегона аралашмаларнинг бир қисми жинлаш пайтида толага қўшилиб кетади, бир қисми эса чигитлар таркибига қўшилиб, уларни ифлослантиради [2,3].

Жинлашдан кейинги чигитлар таркибида минерал аралашмалар, майда ифлосликлар, барглар, металл жисмлар бўлади. Бундан ташқари, чигитли массада чигитларнинг яхши ривожланмаган, пишиб етилмаган майдалари ҳам учрайди. Булар турли жараёнлар вақтида эзилиб майдаланади, ҳамда момиқ ва чигит ифлослигининг ошишига олиб келади. Айниқса линтерлаш жараёнига келган чигитлар таркибида турли майда ифлос аралашмалар ва ёт предметлар мавжуд бўлиб, улар момиқ таркибини ифлослантиради. Шунинг учун кўп жараёнларда жиндан кейинги чигитларни турли фракцияларга уларни ажратиб олинадиган ва кейинги жараёнга узатилади, бундан ташқари

жорий қилинган технологиялар ичида линтер таъминлагичида чигитларни ифлосликлардан тозалаб олиш имкониятини берувчи махсус мосламалар ҳам учраб туради. Умуман олганда чигитларни тозалаш ва шундан сўнг линтерлаш жараёнига узатиш устида олиб борилган илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилиш ҳамда атрофлича ўрганиш лозим бўлади. Линтер машиналарини такомиллаштириш орқали чигитлар таркибидан майда ифлосликларни тозалаш ҳамда момиқ сифатини яхшилаш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилганлигига қарамай, бу жараённинг айрим жиҳатлари тўлиқ очиб берилган эмас, хусусан, линтер таъминлагичидан чигитларни узатиш вақтида технологик жараёнга таъсир қилмасдан чигитли масса таркибидан майда ифлосликларни самарали ажратиб олиш технологиясини яратиш амалий ва назарий томонидан етарлича ўрганилмаган, чигитлар таркибидан ифлосликларни ажратишда ишчи органлар ҳамда таъсир қилувчи омиллар параметрларининг мақбул қийматларини ўрнатиш масалалари тўла ўз ечимини топмаган. Бундан ташқари, момиқ таркибини майда ифлосликлардан тозалаш вақтида таъминлагич иш режимини ва чигитлар ҳаракат йўналишига қараб тозалаш мосламасини ўрнатиш ва унинг оптимал параметрларини аниқлаш ҳамда тозалаш мосламасида чигитларнинг ҳаракатини ҳамда тозаланиш даражасини чуқурроқ ўрганиш мақсадга мувофиқ. Юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларни инобатга олган ҳолда, корхонада момиқ маҳсулотини сифатли ишлаб чиқаришни таъминловчи технологияларни жорий қилиш имкониятларини янада мукамалроқ ўрганиш, технологик жараёни амалга ошишига салбий таъсир кўрсатмайдиган, ифлослик тозалаш мосламалари конструкциясини ишлаб чиқиш масаласи ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади. [4,5]

Чигитларнинг пахта селекцион навлари боғлиқ ҳолда ўлчамлари

Чигитларнинг пахта селекцион навлари боғлиқ ҳолда ўлчамлари

Селекцион нав	Жинланган чигитлар ўлчамлари			
	Узунлиги, мм	Диаметри, мм	Массаси, грам (1000 донасиники)	Толадорлиги, %
С-6524	8,0-12,25	5,5-8,75	138,2	14,2
Наманган-77	7,25-12,3	5,6-9,0	125,8	14,9
Бухоро-102	8.1-10,2	5,1-6,8	117,3	10,2

Олиб борилган изланишларда чигитларнинг ўлчамлари ва шаклидан келиб чиққан ҳолда оғирлик марказлари ҳолати бўйича, масалан, пастки қисми ёки учидан қолдиқ толаларга эга чигитлар учун ҳам, толасиз чигитлар учун ҳам тадқиқотлар ўтказилди.[6]

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.R. A.Gulyayev , A.E. Lugachev, X.S. Usmanov Современное состояние производства, переработки, потребления и качества хлопковой продукции в ведущих хлопкосеющих странах мира. Tashkent. 2017.
2. Shaimov P. “Сортирование опушенных семян хлопчатника в барабанном диэлектрическом сепараторе”, Диссертационная работа 1995 год.
- 3 . ANALYSIS OF THE INFLUENCE OF DAMAGED SEEDS ON THE ABRASION OF WORKING SURFACES. A Sarimsakov, S Isroilov, K Shukhratjon. Finland International Scientific Journal of Education.
4. Sh. Komilov, M Joraeva, A. Sarimsakov, R. Muradov.(2023). ANALYSIS OF THE QUALITY INDICATORS OF THE SEED SEPARATE FROM THE FIBER AFTER SPINNING. Research Focus, Uzbekistan, 2 (4).
5. Influence of the Ginning Process on the Quality of Raw Cotton.M Nodirbek, K. Shukhratjon, A. Khamit. Engineering 13 (12), 739-748
6. Improving Fiber Quality Output by Improving the Roll Box of the Gin Saw
S. Akramjon, I. Sardorbek, K. Shukhratjon. Engineering 15 (04), 261-268